

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

**№3**  
**2019**

TOSHKENT

## СОДЕРЖАНИЕ

## CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES	
Абдуазимова Л.А., Мухторова М.М., Азимов Б.С. МЕТОДЫ АКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ И УМЕНИЙ НА КАФЕДРЕ ДЕТСКОЙ ТЕРАПЕВТИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ	Abduazimova L.A., Mukhtorova M.M., Azimov B.S. METHODS OF ACTIVE LEARNING IN THE TEACHING OF PROFESSIONAL KNOWLEDGE AND SKILLS AT THE DEPARTMENT OF PEDIATRIC THERAPEUTIC DENTISTRY	8
Гиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ	Giyasov Z.A., Makhsumkhanov K.A. THE IMPORTANCE OF MEDICAL LAW IN TRAINING NURSE	13
ОБЗОРЫ	REVIEWS	
Ахмедова М.Д., Мирзажонова Д.Б., Ўринов Э.Э. ГЕМОДИАЛИЗДАГИ БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	Axmedova M.D., Mirzajonova D.B., Urinov E.E. PECULIARITIES OF VIRAL HEPATITIS IN PATIENTS ON HEMODIALYSIS	16
Гаффоров С.А., Бакаев Ж.Н. ОСОБЕННОСТИ ВЗАИМОСВЯЗИ ЗАБОЛЕВАНИЙ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ПОЛОСТИ РТА С СОМАТИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИЕЙ	Gafforov S.A., Bakaev J.N. PECULIARITIES OF THE INTERRELATION OF DISEASES OF THE MUCOSA OF THE ORAL CAVITY WITH SOMATIC PATHOLOGY	20
Гулямов Ё.Б., Миразимов Б.Б., Назарова Н.З., Мирзаев А.Б. ПОСТТРАВМАТИЧЕСКИЙ ОСТЕОМИЕЛИТ: СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ЭТИОПАТОГЕНЕЗ И ЛУЧЕВЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ	Gulyamov Y.B., Mirazimov B.B., Nazarova N.Z., Mirzaev A.B. MODERN VIEWS OF ETIOLOGY, PATHOLOGY AND RADIOLOGICAL INVESTIGATION OF POST-TRAUMATIC OSTEOMYELITIS	25
Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У., Отамуратова Н.Х., Абдухаликова И.З. ПНЕВМОКОККОВЫЕ ИНФЕКЦИИ У ВЗРОСЛЫХ: ВОПРОСЫ ВАКЦИНО-ПРОФИЛАКТИКИ	Daminov T.A., Tuychiev L.N., Tadjieva N.U., Otamuratova N.H., Abduhalikova I.Z. PNEUMOCOCCAL INFECTIONS IN ADULTS: ISSUES OF VACCINE PREVENTION	29
Игамова С.С., Джурабекова А.Т., Иноятова Ф.Х. ГИПОКСИЕЙ ИНДУЦИРОВАННЫЙ ФАКТОР И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ ПЕРИНАТАЛЬНЫХ ПОРАЖЕНИЙ МОЗГА	Igamova S.S., Dzhurabekova A.T., Inoyatova F.Kh. HYPOXIA-INDUCED FACTOR AND ITS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF PERINATAL BRAIN LESIONS	34
Сабилов Д.Р., Абдусаматов Д.М., Рахимов А.Ф. СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ХИРУРГИЧЕСКУЮ ПОМОЩЬ НА ДОГОСПИТАЛЬНОМ ЭТАПЕ	Sabirov D.R., Abdusamatov D.M., Rakhimov A.F. MODERN VIEWS ON SURGICAL CARE IN THE PRE-HOSPITAL PHASE	40
Худайбердиев Х.Б., Шомаруфов А.Б., Аббосов Ш.А., Мирхамидов Д.Х. СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЛЯ МЕДИЦИНСКИХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ	Khudayberdiev Kh.B., Shomarufov A.B., Abbosov Sh.A., Mirkhamidov D.Kh. MODERN PROBLEMS OF SOFTWARE FOR MEDICAL INFORMATION SYSTEMS	43
Эшбаев Э.А., Исраилов Р. ПРЕЭКЛАМПСИЯ ТАБСИРИДА ОНА ОРГАНИЗМИ АЪЗО ВА ТЎҚИМАЛАРИ, ҲАМДА ЙЎЛДОШДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР	Eshboev E.A., Israilov R. MORPHOLOGIC CHANGES IN BOTH THE MOTHER UTERUS AND ORGANS, TISSUES DUE TO THE PREECLAMPSIA	47
Эшонходжаев О.Д., Худайбергенев Ш.Н., Хаялиев Р.Я., Ермухаммедов А.А. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДОВ ТРАХЕОСТОМИИ	Eshonkhodjaev O.D., Khudaybergenov Sh.N., Hayaliev R.Y., Ermuhammedov A.A. COMPARATIVE EVALUATION OF DIFFERENT METHODS OF TRACHEOSTOMY	52

<b>ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ БИОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА</b>	<b>EXPERIMENTAL BIOLOGY AND MEDICINE</b>
Омонтурдиев С.З., Усманов П.Б., Бакирова Ш.З., Зарипов А.А., Хушматов Ш.С., Комилов Б.Ж. <b>ВЛИЯНИЕ ФЛАВОНОИДА ХРИЗОЭРИОЛА НА СОКРАТИТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ ГЛАДКОМЫШЕЧНЫХ КЛЕТОК АОРТЫ КРЫСЫ</b>	Omonturdiyev S.Z., Usmanov P.B., Bakirova Sh.Z., Zaripov A.A., Khushmatov Sh.S., Komilov B.J. <b>INVESTIGATION OF FLAVONOID CHRYSOERIOLOL EFFECT ON THE CONTRACTILE ACTIVITY OF RAT AORTIC SMOOTH MUSCLE CELLS</b> 60
Позиллов М.К., Эрнazarов З.М., Куканова Н.Ф., Асра-ров М.И., Махмудов Р.Р. <b>ГОССИТАН ПОЛИФЕНО-ЛИНИНГ ЮРАК МИТОХОНДРИЯСИ ИОН КАНАЛ-ЛАРИГА ТАЪСИРИ</b>	Pozilov M.K., Ernazarov Z.M., Kukanova N.F., Asrarov M.I., Makhmudov R.R. <b>EFFECT OF POLYPHENOL GOSSITAN ON THE ION CHANNELS IN RAT HEART MITOCHONDRIA</b> 64
<b>КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА</b>	<b>CLINICAL MEDICINE</b>
Азизова Ф.Л., Маливская Л.П. <b>ОСОБЕННОСТИ ПИТАНИЯ ЖЕНЩИН ПРИ ИЗБЫТОЧНО МАССЕ ТЕЛА И ОЖИРЕНИИ</b>	Azizova F.L., Malivskaya L.P. <b>ISSUES OF STUDY-ING OF FEEDING HABITS OF WOMEN AT THE EXCESS BODY WEIGHT AND OBESITY</b> 68
Аляви А.Л., Рахимова Д.А., Тиллоева Ш.Ш., Мана-сова Г.М. <b>КАЧЕСТВО ЖИЗНИ БОЛЬНЫХ БРОНХИ-АЛЬНОЙ АСТМОЙ С ЛЕГОЧНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ И ЭФФЕКТЫ КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ</b>	Alyavi A.L., Rakhimova D.A., Tilloeva Sh.Sh., Manasova G.M. <b>QUALITY OF LIFE IN PA-TIENTS WITH BRONCHIAL ASTHMA WITH PULMONARY HYPERTENSION AND THE EF-FECTS OF COMPLEX THERAPY</b> 71
Бабаджанова Г.С., Узокова М.К., Мансурова М.Ю. <b>ХОМИЛАДОРЛИҚДА ЮРАК РИТМИНИНГ БУЗИЛИШИ</b>	Babadzhanova G.S., Uzokova M.K., Mansurova M.Yu. <b>ARRHYTHMIA IN PREGNANCY</b> 76
Вахабова Н.М. <b>ГЕНДЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ НЕЙ-РОПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЯВЛЕНИЙ ПРИ ИШЕМИЧЕСКОМ ИНСУЛЬТЕ</b>	Vakhabova N.M. <b>GENDER FEATURES NEU-ROPSYCHOLOGICAL MANIFESTATIONS IN IS ISCHEMIC STROKE</b> 79
Гафуров Б.Г., Аликулова Н.А., Назарова Ж.А. <b>НЕЙРОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ ЦЕРЕБРАЛЬНОЙ ДИСГЕМИЕЙ</b>	Gafurov B.G., Aliqulova N.A., Nazarova J.A. <b>SURUNKALI CEREBRAL DISGEMİYADA NEYROFIZIOLOGIK KO'RSATKICHLARNING O'ZIGA XOSLIGI</b> 83
Исраилов Р., Эгамбердиев К. <b>СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИ-СТИТДА ДИСРЕГЕНЕРАТОР ЎЗГАРИШЛАР</b>	Israilov R., Egamberdiev K. <b>DISGENERATOR CHANGES IN CHRONIC CHOLECYSTITIS</b> 88
Камилов Ж.А., Акбаров А.Н. <b>ОСОБЕННОСТИ РАЗ-ВИТИЯ МОРФОЛОГИЧЕСКОЙ ВЫСОТЫ И ШИРИ-НЫ ЛИЦА У ДЕТЕЙ 7-17 ЛЕТ ГОРОДА ТАШКЕНТА</b>	Kamilov J.A., Akbarov A.N. <b>FEATURES OF DEVEL-OPMENT OF MORPHOLOGICAL HEIGHT AND FACE WIDTH IN CHILDREN OF 7-17 YEARS OF TASHKENT CITY</b> 92
Каримов М.М., Зуфаров П.С., Собирова Г.Н., Руста-мова С.Т., Каримова Д.К. <b>ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДЫХА-ТЕЛЬНОГО С14 ТЕСТА ПРИ ХЕЛИКОБАКТЕР АССО-ЦИИРОВАННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ</b>	Karimov M.M., Zufarov P.S., Sobirova G.N., Rustamova S.T., Karimova D.K. <b>EMPLOYMENT OF RESPIRATORY C14 TEST WITH HELICO-BACTER-ASSOCIATED DISEASES</b> 96
Кацамаки С.П., Гариб В.Ф., Пахомова Ж.Е., Джем-бекова Г.С., Исмаилова Э.Н., Макбулова Н.А., Али-мова Н.Н., Левицкая Ю.В. <b>СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ К ALTERNARIA ALTERNATA У ДЕТЕЙ В ЗАВИСИМО-СТИ ОТ МЕТОДА РОДОРАЗРЕШЕНИЯ</b>	Katsamaki S.P. Garib V.F., Pakhomova J.E., Dz-hambekova G.S., Ismailova E.N., Makbulva N.A., Alimova N.N., Levitskaya Yu.V. <b>SENSITIZATION TO ALTERNARIA ALTERNATA IN CHILDREN IN DEPENDING ON THE METHOD OF DELIVERY</b> 100
Қосимов А.А., Ходжанов И.Ю., Хўжаназаров И.Э., Борзунув Д.Ю. <b>БОЛАЛАРДА БИЛАК СУЯКЛАРИ ҚАЙТА СИНИШИНИ КОНСЕРВАТИВ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ</b>	Kosimov A.A., Khodjanov I.Y., Khujanazarov I.E., Borzunov D.Yu. <b>ESTIMATION OF RESULTS OF CONSERVATIVE TREATMENT OF THE REPEAT-ED FRACTURES OF CHILDREN'S FOREARM BONES</b> 103

Мирзаев А.У., Кариев Г.М., Ахмедиев М.М. ИЗУЧЕНИЕ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ ПАЦИЕНТОВ ДО И ПОСЛЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ НЕВРАЛГИИ ТРОЙНИЧНОГО НЕРВА	Mirzaev A.U., Kariev G.M., Akhmediev M.M. STUDYING THE QUALITY OF LIFE OF PATIENTS BEFORE AND AFTER SURGICAL TREATMENT OF TRIGEMINAL NEURALGIA	108
Нуриллаева Н.М., Нуриддинова Н.Б., Ражабова Н.Т. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОЛЛАРИНИНГ ОИЛАСИДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ УЧРАШ ЧАСТОТАСИНИ ТАҲЛИЛИ	Nurillaeva N.M., Nuritdinova N.B., Rajabova N.T. FAMILIES OF PATIENTS DIAGNOSED WITH ISCHEMIC HEART DISEASE RISK FACTORS, FREQUENCY ANALYSIS	111
Османов Ю.И., Гаиров Ж.А., Турсунов Х.З. ЗНАЧЕНИЕ ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ В ДИАГНОСТИКЕ УРОТЕЛИАЛЬНОГО РАКА	Osmanov Y.I., Gaibov J.A., Tursunov Kh.Z. IMMUNE HISTOCHEMICAL RESEARCH IN DIAGNOSTICS OF UROTHELIAL CANCER	115
Рузиева Н.Х. ХАРАКТЕРИСТИКА ЭНДОТОКСЕМИИ У БЕРЕМЕННЫХ С ВЫСОКИМ РИСКОМ ПРЕЖДЕВРЕМЕННЫХ РОДОВ	Ruzieva N.H. CHARACTERISTICS OF ENDOTOXEMIA PREGNANT WOMEN WITH HIGH RISK PREMATURE BIRTH	120
Сувонов У.Х., Хужаназаров И.Э., Қосимов А.А. БИЛАК ПАСТКИ УЧЛИГИ ОЛД ЮЗАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ЭСКИРГАН ЖАРОҲАТЛАРИНИ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ	Suvonov U.K., Khudjanazarov I.E., Kosimov A.A. THE TREATMENT RESULTS OF OLD INJURIES OF THE SOFT TISSUE OF THE ANTERIOR SURFACE OF THE LOWER THIRD FOREARM	124
Тиллоева Ш.Ш., Манасова Г.М., Ахмедова Ш.М. ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА У ПАЦИЕНТОВ СТАРШИХ ВОЗРАСТНЫХ ГРУПП	Tilloeva Sh.Sh., Manasova G.M., Akhmedova Sh.M. DIAGNOSTIC CRITERIA OF RHEUMATOID ARTHRITIS IN PATIENTS OF SENIOR AGE GROUPS	128
Хабибова Н.Н., Вахидова М.А. ОЦЕНКА ЗАЩИТНОЙ СИСТЕМЫ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ РОТОВОЙ ПОЛОСТИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ РЕЦИДИВИРУЮЩЕМ АФТОЗНОМ СТОМАТИТЕ	Habibova N.N., Vahidova M.A. EVALUATION OF THE PROTECTIVE SYSTEM OF THE ORAL MUCOSA IN CHRONIC RECURRENT APHTHOUS STOMATITIS	131
Хамраева Л.С., Гиясова А.О. К ВОПРОСУ О ДИАГНОСТИКЕ ВРОЖДЕННОГО СОДРУЖЕСТВЕННОГО ВЕРТИКАЛЬНОГО КОСОГЛАЗИЯ У ДЕТЕЙ	Khamraeva L.S., Giyasova A.O. ON THE QUESTION OF THE DIAGNOSIS OF CONGENITAL CONCURRENT VERTICAL SQUINT IN CHILDREN	134
Хасанов М.М. ЗНАЧЕНИЕ МАКСИМАЛЬНОГО ДИАМЕТРА ПОЧЕЧНОЙ ЛОХАНКИ В ВЫБОРЕ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ БЕРЕМЕННЫХ С СУПРАВЕСИКАЛЬНОЙ ОБСТРУКЦИЕЙ	Khasanov M.M. THE VALUE OF MAXIMUM ANTERIOR-POSTERIOR DIAMETER OF THE RENAL PELVIS IN THE CHOICE OF TREATMENT TACTICS FOR PREGNANT WOMEN WITH SUPRAVESICAL OBSTRUCTION	137
ЭГАМБЕРДИЕВА Д.А., САИПОВА Д.С. ВЗАИМООТНОШЕНИЯ МЕЖДУ ПОЧЕЧНОЙ ФУНКЦИЕЙ И ФИЗИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТЬЮ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПОЧЕК ДО ДИАЛИЗНЫХ СТАДИЙ	EGAMBERDIEVA D.A., SAIPOVA D.S. THE RELATIONSHIP BETWEEN RENAL FUNCTION AND PHYSICAL ACTIVITY IN PATIENTS WITH CHRONIC RENAL DISEASE OF THE PREDIALYSIS STAGE	141
<b>В ПОМОЩЬ ПРАКТИЧЕСКОМУ ВРАЧУ</b>	<b>TO HELP A PRACTICAL DOCTOR</b>	
Арипов А.Н., Борзова Н.С., Ахматходжаева Д.А. ГЛИКОЗИЛИРОВАННЫЙ ГЕМОГЛОБИН, МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ, КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ	Aripov A.N., Borzova N.S., Axmatxodjaeva D.A. GLYCOSILATED HEMOGLOBIN, METHODS OF DETERMINATION, CLINICAL-DIAGNOSTIC VALUE	145
Беркинов У.Б., Саттаров О.Т., Эрматов Б.Р., Рашидов Д.А. ЛАПАРОСКОПИЧЕСКАЯ ОПЕРАЦИЯ НИССЕН-РОЗЕТТА ПРИ ГИГАНТСКОЙ ГРЫЖЕ ПИЩЕВОДНОГО ОТВЕРСТИЯ ДИАФРАГМЫ	Berkinov U.B., Sattarov O.T., Ermatov B.R., Rashidov D.A. LAPAROSCOPIC OPERATION OF NISSEN-ROSETTA WITH A GIANT HERNIA OF THE ESOPHAGEAL HIATUS OF THE DIAPHRAGM	149

Индиаминов С.И., Расулова М.Р., Давронов С.Ф. <b>ДИ-АГНОСТИКА ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА</b>	Indiaminov S.I., Rasulova M.R., Davronov S.F. <b>DIAGNOSTIC OF NOSE FRACTURES</b>	154
Машарипов А.С. <b>ТЯЖЕЛАЯ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВАЯ ТРАВМА: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ</b>	Masharipov A.S. <b>SEVERE TRAUMATIC BRAIN INJURY: PROBLEMS AND PROSPECTS</b>	159
Мухтаров Ш.Т., Носиров Ф.Р., Шавахобов Ш.Ш., Махмудов А.Т., Мирхомидов М.М. <b>НОЛЕП: ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ ГИПЕР-ПАЗИЯСИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШДАГИ ТАНЛОВ УСУЛИ</b>	Mukhtarov Sh. T., Nosirov F. R., Shavakhabov Sh. Sh., Makhmudov A. T., Mirkhomidov M.M. <b>HOLEP: THE CHOICE OF SURGICAL TREATMENT FOR BENIGN PROSTATIC HYPERPLASIA</b>	162
Якубова М.М., Мухиддинова М.А. <b>ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ДЕМИЕЛИНИЗИРУЮЩИЙ ПРОЦЕСС ПРИ РАССЕЯННОМ СКЛЕРОЗЕ</b>	Yakubova M.M., Mukhiddinova M.A. <b>FACTORS AFFECTING THE DEMYELINATING PROCESS IN MULTIPLE SCLEROSIS</b>	166
<b>Трибуна молодых</b>	<b>TRIBUNE OF YOUNG</b>	
Мадримова А.Г. <b>ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ ОТОАКУСТИЧЕСКОЙ ЭМИССИИ У НОВОРОЖДЕННЫХ С ПЕРИНАТАЛЬНОЙ АСФИКСИЕЙ</b>	Madrimova A.G. <b>EVALUATION OF OTOACOUSTIC EMISSION IN NEWBORNS WITH PERIANATAL ASPHYXIA</b>	169
Ташкенбаева И.У., Хайдаров А.М. <b>ОСОБЕННОСТИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СИСТЕМЫ ПОЛ И АОС РОТОВОЙ ЖИДКОСТИ У ДЕТЕЙ С ДЕТСКИМ ЦЕРЕБРАЛЬНЫМ ПАРАЛИЧОМ</b>	Tashkenbaeva I.U., Khaydarov A.M. <b>FEATURES OF INDICATORS OF THE SYSTEM OF POL AND AOS OF THE ORAL FLUID IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY</b>	172
Эгамбердиева Д.А. <b>ИЗУЧЕНИЕ СВЯЗИ МЕЖДУ БИОМАРКЕРАМИ ВОСПАЛЕНИЯ И АТЕРОСКЛЕРОЗОМ СОННЫХ АРТЕРИЙ У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПОЧЕК</b>	Egamberdieva D.A. <b>STUDYING THE RELATIONSHIP BETWEEN BIOMARKERS OF INFLAMMATION AND CAROTID ATHEROSCLEROSIS IN PATIENTS WITH CHRONIC KIDNEY DISEASE</b>	176
<b>Юбилей</b>	<b>ANNIVERSARY</b>	
<b>ИЛМ-ФАННИНГ ФИДОЙ ОЛИМАСИ</b> Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика факультети, "Тиббий ва биологик кимё" кафедра профессори Иноятова Феруза Хидаятованинг 70 йиллик таваллудига бағишланади.	<b>ILM FANNING FIDOY OLIMASI</b> Toshkent Tibbiy Akademiyashi Tibbiy prevention faculty, "Tibbiy va biologik kimyo" Department of Professor Inoyatova Feruza Hidayatovaning 70 yillik tavalludiga baishlanadi.	171

## ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А.

## ЗНАЧЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО ПРАВА В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СРЕДНИХ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ

Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А.

## THE IMPORTANCE OF MEDICAL LAW IN TRAINING NURSE

Giyasov Z.A., Makhsumkhanov K.A.

*Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти*

*В статье обсуждается вопрос правовой подготовки средних медицинских работников. Констатируется существование серьезных проблем в данном аспекте, обосновывается необходимость введения в учебную программу медицинских колледжей дисциплины медицинское право. Подчеркнуто, что соответствующая правовая подготовка средних медицинских работников служит обеспечению законности в сфере охраны здоровья, повышению качества медицинского обслуживания граждан.*

**Ключевые слова:** здравоохранение, медицинская деятельность, лечение, профилактика.

*The article discusses the issue of legal training of nursing staffs. Noting the existence of serious problems in this aspect, the necessity of introducing the discipline of medical law into the curriculum of medical colleges is substantiated. It is emphasized that the appropriate legal training of nursing staffs serves to ensure the rule of law in the field of health care, improve the quality of medical care of citizens.*

**Key words:** health care, medical activities, treatment and prevention facilities.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланиб, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлаш тегишли қонун ҳужжатлари билан кафолатланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган бўлса, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси сифатида фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши алоҳида таъкидланган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи муҳим йўналиши сифатида жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш эътироф этилган.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш борасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларининг ижросини таъминлаш асосан тиббиёт ходимларининг фаолияти орқали амалга оширилади, чунончи фуқароларнинг ҳуқуқларига тиббиёт ходимларининг касбий мажбурияти сифатида ҳам қараш мумкин. Бу борада ўрта тиббий ходимларнинг ўрни алоҳида эътироф этиш лозим.

Расмий статистика маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида жами 75 мингдан ортиқ олий маълумотли шифокорлар ва 330 мингга яқин ўрта тиббий ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда ўртacha бир шифокорга 4,0-4,5 ҳамшира, лаборантлар тўғри келаяпти. Агарда келажақда тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-анжом, ускуналар билан жиҳозла-

нишини, тиббиётга янги илғор технологияларнинг жорий этилишини инobatга олсак, бу нисбат янада ортишини айтиш мумкин. Зеро, бу ҳолатда тиббий фаолиятни амалга оширишда ўрта тиббий ходимларга бўлган талаб-эҳтиёж ортиб, уларга юклатилган функционал вазифалар доираси янада кенгайиши ва тегишли тарзда масъулият даражаси ортиши ҳам табиий.

Қундалик тиббий амалиётда беморлар билан айнан ўрта тиббий ходимлар кўпроқ мулоқотда бўлишини, шифокор томонидан белгиланган даволаш муолажаларининг аксарияти ҳамшира, лаборантлар томонидан амалга оширилишини инobatга олинса, беморларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини таъминлашда ўрта тиббий ходимларнинг ўрни ва масъулияти яққол намоён бўлади.

“Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси бемор ҳуқуқларига бағишланган. Хусусан, тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг беморларга нисбатан ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари; беморлар шифокор ва даволаш-профилактика муассасасини танлаши; санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш; тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланишини таъминлаши каби ҳуқуқлар кўрсатиб ўтилган.

Қонунда белгиланган бемор ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда, мантиққа биноан беморлар ўрта тиббий ходимларни ҳам танлаш ҳуқуқига эга бўла-

ди. Бинобарин, уларни ҳам кенг маънода шифокорлар қаторига киритса бўлади.

Сўнгги даврда соғлиғини сақлаш соҳасига катта эътибор қаратилаёпти, жумладан соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаёпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”-ги 5590-сонли Қарори бунга яққол мисол бўлади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг моддий-техника базаси сезиларли даражада яхшиланмоқда, даволаш-профилактика муассасалари замонавий асбоб-ускуна, анжомлар билан жиҳозланмоқда. Соғлиқни сақлаш давлат тизимига рақобатдош хусусий тизим шаклланаёпти.

Шу билан бирга, бу борада назоратнинг ҳам кучайганлигини тан олиш лозим. Ушбу назорат нафақат соғлиқни сақлаш идоралари томонидан, балки бошқа қатор идоралар (прокуратура, ички ишлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамғармаси, суғурта компаниялари ва ҳ.к.) томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Афсуски ушбу текширувлар жараёнида шифокорлар, шу жумладан ҳамширалар, лаборантлар томонидан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан тиббий ходимларнинг касб ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари билан боғлиқ тергов олди текширувлари, дастлабки ва суд тергови жараёнларида комиссия суд-тиббий экспертиза тайинлаш кўзда тутилган. Мазкур экспертизаларни ҳам юқорида қайд этилган назоратнинг бир шакли сифатида эътироф этиш мумкин.

Кейинги 5-6 йилларда мамлакатимиз суд-тиббий экспертиза муассасаларида тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятини баҳолаш юзасидан ўтказилаётган комиссия суд-тиббий экспертизаларнинг сони кескин ортган бўлиб, бу турдаги экспертизаларнинг маълум бир қисми ўрта тиббий ходимларнинг фаолиятига нисбатан тайинланаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Мисол 1. Хулоса №17. Ҳамшира уй шароитида беморга антибиотик муолажасини ўтказиш учун синама қўйган. Қисқа муддатда юзага келган дори моддасига анафилактик шокдан бемор вафот этган. Ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертиза жараёнида ҳамшира антибиотикка синама қўйиш учун пенициллиннинг 1:1000 нисбатда эмас, балки 1:10 нисбатдаги эритмасидан фойдалангани аниқланган. Айнан ушбу нуқсон беморда анафилактик шокнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ҳамшира малакасининг етарли эмаслиги натижасида содир этилган тиббий ёрдам нуқсони беморнинг ўлимига сабаб бўлган.

Мисол 2. Хулоса №40. Ҳамшира ёш болага муолажа учун ўнг думба соҳасига инъекция қилган. Муолажадан сўнг боланинг ўнг думба-сон соҳаларида оғриқ, шу оёқда ҳаракатнинг чекланиши кузатилган. Ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертиза жараёнида ҳамшира инъекция соҳасини

нотўғри танлаганлиги, яъни муолажани думбанинг юқори ташқи квадартига эмас, балки пастки ички квадратига амалга оширганлиги аниқланган. Бу эса ўз навбатида беморда ўнг оёқ қуймиш нервининг (N.ischiadicus) шикастланишига сабаб бўлган. Ҳамширанинг эътиборсизлиги натижасида йўл қўйилган тиббий ёрдам нуқсони оқибатида боланинг ўнг қуймиш нервининг травматик шикастланиши юзага келган.

Мисол 3. Хулоса №52. Туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира беморга кальций хлорид эритмасини томир ичига эмас, тери остига юборган. Ушбу соҳада юмшоқ тўқималарнинг асептик некрози юзага келган. Яъни, ҳамшира тиббий муолажани ўтказиш вақтида техник хатоликка йўл қўйган. Тиббий ёрдам нуқсони ўз навбатида беморнинг даволаниш муддатини чўзилишига сабаб бўлган.

Ушбу ҳолатлар нафақат олий маълумотли шифокорлар, балки ўрта тиббий ходимлар ҳам касбий тайёргарликдан ташқари, лозим даражадаги ҳуқуқий билимларга ҳам эга бўлиш заруриятини кўрсатади. Тиббиёт ходимлари беморларга ташхис қўйиш ва даволаш тартибини билиши ва амал қилиши билан бир қаторда, ўз хизмат вазифасини умуман ёки лозим даражада бажармаганда юзага келадиган ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида ҳам тўла маълумотга эга бўлиши лозим. Зеро, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этмайди.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, 2002 йилда олий тиббий таълим тизимининг дастурига “Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари” (бошқача номлаганда “Тиббиёт ҳуқуқи”) фани киритилган. Ҳозирги кунда бу фан тиббиёт соҳаси бўйича бакалавриатуранинг барча йўналишларида, шу жумладан олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш факультетида ҳам ўқитилаёпти. Айни пайтда ҳозиргача ўрта тиббий ходимларларнинг тайёрлаш тизимида бу масала ўзининг муносиб ўрнини топмаган.

Тиббиёт коллежлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги намунавий ўқув режада “Ҳуқуқшунослик” ва “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фанларининг ҳар бирига жами 58 соатдан ажратилган бўлиб, шулардан 40 соати аудитория ўқув соатларини ташкил этади. Афсуски, ушбу намунавий ўқув режа бўйича алоҳида “тиббиёт ҳуқуқи” фанини ўқитиш кўзда тутилмаган.

Мазкур намунавий ўқув режага мос тарзда ҳуқуқшунослик фани бўйича ўқув дастури тайёрланган. Ушбу дастурда фаннинг бўлимлари сифатида конституциявий ҳуқуқ, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, жиноят, экологик ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари келтирилган бўлиб, бунда асосан ҳуқуқ меъёрларининг умумий жиҳатлари бўйича тушунчалар берилган. Бироқ, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик асослари, ўрта тиббий ходимлар фаолиятининг спецификасидан келиб чиққан ҳолда, ҳамшира, лаборантларнинг турли хил (маъмурий, фуқаровий, жиноий) жавобгарлиги масалалари умуман диққатдан четда қолган. Мазкур вазият ўрта тиббий ходимларни тегишли ҳуқуқий билимларга эга бўли-

ши борасида жиддий муаммолар мавжудлигидан да-  
лолат беради.

Шу билан бирга сўнгги йилларда ўрта тиб-  
бий ходимларнинг малакасини ошириш дастури-  
га “Тиббий ҳуқуқ асослари” фани (6 ўқув соат) ки-  
ритилганлигини эътироф этиш лозим. Лекин, ушбу  
ҳолат мазкур муаммони ҳал этмайди. Фикримизча,  
ҳозирги кунда ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш  
намунавий ўқув режасига “Тиббиёт ҳуқуқи” фанини  
киритиш зарурияти мавжуд.

Бунда фаннинг асосий мақсади - тиббиёт ҳуқуқи  
соҳасида, ўрта тиббий ходимлар фаолиятини белги-  
ловчи ҳуқуқий меъёрлар бўйича тегишли назарий  
билим бериш ва амалий кўникмаларнинг ўзлашти-  
ришдан иборат бўлади.

Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асо-  
сий вазибалари сифатида куйидагиларни белгилаш  
мумкин:

- соғлиқни сақлаш борасида Ўзбекистон  
Республикаси қонунчилиги асосларини ўрганиш;
- ўрта тиббий ходимлар фаолиятидаги турли хил  
ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ўрта тиббий ходимларнинг фаолиятида куза-  
тиладиган турли хил касбий ҳуқуқбузарликлар би-  
лан таништириш.

Бу масалада алоҳида урғу ўрта тиббий ходимлар-  
нинг маъмурий ва жиной жавобгарлиги масалала-  
рига қаратилиши лозим. Мазкур турдаги ҳуқуқий  
жавобгарликка олиб келадиган ўрта тиббий ходим-  
лар фаолиятидаги тиббий ёрдам нуқсонлари, улар-  
нинг моҳияти, вужудга келиш сабаблари ҳамда ушбу  
камчиликларни оқибат натижага таъсири даража-  
сини баҳолашда сабаб-оқибат боғланишлари қону-  
ниятларини тушунтиришга кенгрок эътибор қара-  
тилиши керак.

Ушбу масалаларни ёритишда суд-тиббий экспер-  
тиза муассасаларида ўрта тиббий ходимлар фаолият-  
и юзасидан ўтказилган комиссия суд-тиббий экс-  
пертиза материалларидан фойдаланиш мақсадга  
мувофиқ.

Шубҳасиз, ўрта тиббий ходимларнинг касбий фа-  
олиятида кузатилаётган нуқсонлар билан танитиш,  
уларнинг моҳияти, вужудга келиш сабаблари ва оқи-  
бат натижага таъсир даражасини таҳлил қилиш ке-

лажақда бу турдаги камчиликларга йўл қўймаслик-  
нинг муҳим омилidir.

Хулоса қилганда ўрта тиббий ходимларни теги-  
шли ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлиши, соғлиқни  
сақлаш соҳасида қонунчиликни таъминлашга, ушбу  
ходимларнинг фаолиятини яхшилаш ва касбий  
ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Акопов В.И., Бова А.А. – Юридические основы дея-  
тельности врача. М., 1997., 252 с.
2. Гиёсов З.А. Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари, -  
Тошкент: “Tafakkur-Bo'stoni”, 2012.-168б.
3. Попов В.Л., Попова И.П. – Правовые основы медицин-  
ской деятельности. М., 1999., 273с.
4. Сергеев В.В., Захаров С.О. Медицинские и юридиче-  
ские аспекты врачебных ошибок. //Здравоохранение РФ.  
- 2000. - № 1. - с. 7-9.
5. Сергеев Ю.Д., Ерофеев С.В. – Неблагоприятный исход  
оказания медицинской помощи. Москва-Иваново, 2001,  
286 с.
6. Томилин В.В., Соседко Ю.И. Судебно-медицинская  
оценка дефектов оказания медицинской помощи в уч-  
реждениях здравоохранения России. //Суд.-мед.эксперт.  
- 2000. - № 1. - с. 3-7.
7. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбеки-  
стон Республикасининг Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

#### ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁР- ГАРЛИГИДА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ АҲА- МИЯТИ

Гиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А.

*Мақолада ўрта тиббий ходимларни ҳуқуқий  
тайёрлаш масаласи муҳокама қилинган. Бу бора-  
да жиддий муаммолар мавжудлиги келтирилиб,  
тиббиёт коллежлари ўқув дастурига тиббиёт  
ҳуқуқи фанини киритиш зарурияти асослан-  
тирилган. Ўрта тиббий ходимларнинг теги-  
шли ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлиши соғлиқ-  
ни сақлаш соҳасида қонунчиликни таъминлаш,  
фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати-  
ни яхшилашга хизмат қилиши таъкидланган.*

**Калит сўзлар:** соғлиқни сақлаш, тиббий фа-  
олият, даволаш-профилактика муассасалари.